

Москвадаги мавлид кечасида юртимиз вакиллари иштирок этади



16:34 / 10.11.2018 1712

Шу йилнинг 10 декабрь куни Москва шаҳридаги «Измайлово» концерт залида Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилган кунларига бағишланган хайрия кечаси ўтказилади.

IslamNews ахборот агентлигининг Россия мусулмонлари диний жамоаси матбуот хизматига таяниб хабар беришича, РФ Жамоатчилик палатаси, Москва Ҳукумати ва Ислом маданияти, фани ва таълимини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмаги остида Россия мусулмонлари диний жамоаси, Сурия вақфлар вазирлиги, Доғистон муфтияти тадбир ташкилотчилари ҳисобланишади.

Ташкилотчиларнинг сўзларига қараганда чипталар савдосидан тушган барча маблағлар Суриядаги урушда азият чекаётган маҳаллий аҳолига ёрдам бериш учун йўналтирилади. Мусиқий дастурда Россия, Ўзбекистон, Туркия ва Суриядан исломий қўшиқ ижрочилари қатнашиши ҳам ўрин олган.

Хусусан, томошабинлар таниқли туркиялик қўшиқчилар Қушон Иброҳим, ижодий гуруҳ яккахони Авлиёўғлу Абдулла, Ўзбекистонлик мавлид ҳофизлари, Доғистондан «Нашидул Ислом» гуруҳи ва бошқалар иштирок

этишади. Тадбир меҳмонлари орасида - Сурия вақф ишлари бўйича вазири Абдусаттор Ас-Саид, Шом олимлари кенгаши раҳбари, Дамашқ университети шариат факультети декани Тоуфиқ Рамазон Ал-Бутий, доктор Бадиу Лаҳм ва «Ал-Тоуфий» мусиқий гуруҳи ҳам бўлади.

***Islom.uz* портали таҳририяти**